

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ
ФАОЛИЯТИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ****Тўраев Жўрабек Шоназарович**Ички ишлар вазирлиги Ташкилий Департаменти бош инспектори, подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544563>

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, ушбу йўналишда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кейинги босқичида, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тизим фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, профилактика инспекторларининг хизмати фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

“E-ma'muriy ish” ахборот тизими шулар жумласидан бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг **2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”**ги қарори асосида мазкур ахборот тизими яратилиб, жорий этилди.

“E-ma'muriy ish” - ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат юзасидан маъмурий иш ҳужжатларини электрон тарзда расмийлаштириш ва шакллантириш, ваколатли органга электрон юбориш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, жабрланувчи, гувоҳ ва ҳолислар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, ваколатли органлар ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг ягона марказлаштирилган электрон ахборот тизими.

Ушбу ахборот тизими маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ягона электрон иш юритувни йўлга қўйишни таъминлаш мақсадида яратилиб, тизимга барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган яна эликдан ортиқ органлар ҳамда “Электрон ҳуқуқ”нинг ягона биллинг тизимига боғланди, Олий суднинг “E-XSUD” ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг “МИБ портал” ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Бундан ташқари, маъмурий ишлар бўйича суд мажлислари **масофавий (онлайн)** шаклда ўтказила бошланди.

Жумладан, **2021 йил 12 февралда** Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан, барча маҳаллалардаги профилактика инспекторларининг хизмат хоналарини Интернет тармоғига улаш чораларини таъминлаш, профилактика инспекторлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар юзасидан маъмурий ишлар бўйича суд мажлисларини масофавий (онлайн) шаклда ўтказилишини таъминлаш **вазифаси** юклатилди.

Берилган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, **2021 йил 8 июлда** Вазирлар Маҳкамасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича **Қарори** қабул қилиниб, ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги **Низом** тасдиқланди.

2021 йил 29 сентябрда Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг **Қўшма қарори** қабул қилиниб, ушбу қарор билан:

- профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар **“Е-mamuriy ish” тизими орқали юритилиши;**
- маъмурий ишларни **электрон шакллантириш, кўриб чиқиш** ва **ҳисобини юритиш тартиби;**
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари **фақат электрон шаклда ахборот тизими орқали судларга тақдим этиш тартиби;**
- профилактика инспекторлари ҳамда суд биносидан узоқ масофада яшовчи қатнашчилари суд мажлисида масофавий мобиль **видеоконференцалоқа тарзда қатнашиши тартиби;**
- маъмурий ишлар бўйича судларга электрон тарзда юбориладиган **ҳужжатлар рўйхати белгиланди.**

2022 йилнинг ўтган даври мобайнида, янгича тизим асосида яъни, **“Е-mamuriy ish” тизими орқали 128 114 та маъмурий иш ҳужжатлар кўриб чиқиш учун суд органларига юборилган бўлиб, шулардан 57 416 таси, яъни 44,8 фоизи видеоконференцалоқа орқали кўриб чиқилиши таъминланган бўлиб, 200 956 нафар маъмурий иш иштирокичлари бўлган фуқароларнинг суд мажлисида ортиқча овозагарчиликсиз - ўзи яшаб келаётган ҳудудда жойлашган профилактика инспекторининг хонасидан “онлайн” тарзда қатнашиши ҳамда ҳудудий профилактика инспекторининг ўз ҳудудидаги хизмат вазифаларидан ажралмаган ҳолда иштирок этиши таъминланди.**

Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятида ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан **фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ таъминлаш ҳамда жамиятда ижтимоий адолат, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш** мақсадида мавжуд қонун нормалари такомиллаштирилиб борилади.

Барчамизга маълумки, **2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Қонуни асосида, **жиноят процессида ярашув** институти жорий этилиб, ушбу институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланилишига имкон яратди.

Жиноят процессида ярашув институти асосида Жиноят кодексининг **46 та моддасида** қайд этилган жиноятларни содир этган шахс ярашув асосида жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин бўлган бир пайтда, ўзининг **ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан жиноятдан қуйида турувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик** содир этган шахсга жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилиши **имкони берилмаган эди.**

Айрим ҳолатларда, жиноят иши доирасида жабрланувчи ва гумонланувчи ўзаро ярашганлиги муносабати билан жиноят иши

ЖПКнинг 584-моддаси асосида, жиноят ишени яраштирув тартибида тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юбора туриб, жабрланувчининг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлганлиги сабабли жиноят ишининг бир қисмини алоҳида иш юритувга ажратиб, унга (*жабрланувчига*) нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун ваколатли органга юбориш ҳолатлари ҳам учраган.

Ўз навбатида, қонунчилик базасининг айнан шу қисмида бўшлиқнинг мавжудлигини кўрсатиб, бир неча йил давомида фуқароларнинг миллий қонун тизимида нисбатан эътирозларининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бошқача қилиб айтганда, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқини тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуннинг шу қисмини тўлдириш йўли билан ўзгартиришга эҳтиёж туғилди.

Айнан шу мақсадда ҳамда жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида миллий қонунчиликка маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни яраштирув асосида жавобгарликдан озод этиш тартиби жорий этилди.

Хусусан, 2021 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни асосида, ярашилганлик муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти киритилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси:

- 40-моддасида назарда тутилган **туҳмат**;
- 41-моддасида назарда тутилган **ҳақорат қилиш**;
- 45-моддасида назарда тутилган **фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш**;
- 46-моддасида назарда тутилган **фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш**;
- 46¹-моддасида назарда тутилган **шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш**;
- 52-моддасида назарда тутилган **енгил тан жароҳати етказиш**;
- 61²-моддасида назарда тутилган **мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш**;
- 104-моддасида назарда тутилган **экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш**;
- 133-моддасида назарда тутилган **транспорт воситалари ҳайдовчиларининг жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келувчи йўл ҳаракати қоидаларини бузиши**;
- 134-моддасида назарда тутилган **ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келувчи йўл ҳаракати қоидаларини бузиши**;
- 183-моддасида назарда тутилган **майда безорилик**;
- 200-моддасида назарда тутилган **ўзбошимчалик тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс, агар ўз айбига иқроп бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса**, маъмурий жавобгарликдан озод этилиш тартиби белгиланди.

Худди шундай, ҳозирги кунда ҳам Ички ишлар органларининг маъмурий амалиёт соҳасидаги фаолиятида айрим муаммоларнинг мавжудлиги, қонунчилик базасининг айнан шу соҳасини тартибга солувчи қисмини янада такомиллаштиришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Хусусан, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасига** асосан, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб **бир йилдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида (**агар бир йиллик муддат ўтмаган бўлса**) қарор қабул қилинган кундан эътиборан **бир ойдан кечиктирмай** қўлланилиши мумкин.

Аммо, **номаълум шахслар томонидан** маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс аниқ бўлиб, аммо у ишни кўриб чиқишга **ваколатли орган (мансабдор шахс) ёки судга келишдан бош тортиб яшириниб юрган**, маъмурий ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарликни содир этганидан кейин **узоқ муддатга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиб, унинг иштирокида терговга қадар текширув ҳаракатлари ҳамда суд процесси ўтказишнинг имкони бўлмаган бошқа** ҳолатларда **маъмурий иш юритувнинг алоҳида тартиби белгиланганман.**

Амалиётда айрим маъмурий ҳуқуқбузарларнинг маъмурий қонунчиликдаги айнан шу бўшлиқдан фойдаланган ҳолда **маъмурий жавобгарликдан қутилиб қолаётганлиги** кўриниб қолмоқда.

Яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс номаълум бўлган ҳолатда (**маъмурий жазо чорасини қўллашнинг бир йиллик умумий муддати ўтиши тўхтатилмаганлиги сабабли**) ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни аниқлаш ҳамда уни маъмурий жавобгарликка тортиш учун сарфланган муддат **бир йиллик умумий муддатдан ошиб кетиб, шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш имкони истисно этилмоқда.**

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида, Ички ишлар органлари ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар бўйича **37 657 нафар шахсларга нисбатан юритилган маъмурий ишлар** **МЖтКнинг 271-моддаси 1-11-бандлари асосида тугатилган, уларнинг:**

- **62 фоизи** (23 417 нафар шахсларга нисбатан юритилган маъмурий ишлар) ҳуқуқбузар жабрланувчи билан **ярашганлиги** муносабати билан;

- **16 фоизи** (6 035 нафар шахсларга нисбатан юритилган маъмурий ишлар) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб **МЖтКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетганлиги** муносабати билан;

- **22 фоизи** (8 205 нафар шахсларга нисбатан юритилган маъмурий ишлар) **қолган асослар** (**маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқлиги, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаганлиги, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасолиги, шахс ҳаракатни**

зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилганлиги, шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилганлиги, маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинганлиги, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарганлиги ёки мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилганлиги, шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этганлиги, ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилганлиги, ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаганлиги) **билан тугатилган.**

Ёки бўлмаса, жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлиб, уни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин **ҳуқуқбузар бир ойдан кўп вақт давомида ваколатли орган ёки судга боришдан бош тортган ҳолатларда ҳам ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликка тортиш имкони бўлмайди.**

Шунингдек, Кодексда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс аниқланмаган ёки унинг иштирокини таъминлаш имконини истисно этадиган бошқа ҳолатларда маъмурий иш юритувнинг алоҳида тартиби белгиланганманлиги сабабли Ички ишлар органлари терговга қадар текширув органлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс аниқланмаган ёки унинг иштирокини таъминлаш имконини истисно этадиган бошқа ҳолатларда **қабул қилинадиган процессуал қарор мазмуни** мавҳумлигича қолмоқда.

Бундан ташқари, ушбу ҳолатларнинг процессуал тартибга солинмаганлиги, ўз-ўзидан номаълум шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган, маъмурий ҳуқуқбузар ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) ёки судга келишдан бош тортиб яшириниб юрган, маъмурий ҳуқуқбузар узоқ муддатга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолатларда маъмурий иш юритув ҳолатлари бўйича **белгиланган шаклдаги ҳисоботи юритилмаслигига ва маъмурий амалиётнинг мазкур йўналиши таҳлил қилинмасдан қолиб кетишига** сабаб бўлмоқда.

Маъмурий қонунчилик назариясида, **маъмурий жазо** маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини инобатга оладиган бўлсак, айрим ҳуқуқбузарларнинг қонунчиликдаги мазкур бўшлиқдан фойдаланган ҳолда жавобгарликдан қутилиб қолаётганлиги **маъмурий жазонинг қўллашдан кўзланган юқорида қайд қилинган мақсадларга эришишнинг имкони йўқлигини** ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг **айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига** зиддир.

Зеро, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жазодан ҳар қандай ноқонуний шаклда қутилиб қолган шахсда **жазоланмаслик ҳисси вужудга келиб, унинг келажакда бошқа ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига сабаб бўлиши** мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ш.Қушбоқов ва М.Етмишбоев таъкидлаганидек, ҳуқуқий мақомига хос барча хусусиятлар ўз аксини топган аниқ қонунчилик асосини[21] яратиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга **терговга қадар текширувни тўхтатиш асослари ва тартиби ҳақидаги бўлим кўшиб**, маъмурий қонунчиликка **номаълум шахс томонидан** маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс аниқ бўлиб, аммо у ишни кўриб чиқишга **ваколатли орган (мансабдор шахс) ёки судга келишдан бош тартиб яшириниб юрган**, маъмурий ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарликни содир этганидан кейин **узоқ муддатга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиб**, унинг **иштирокида терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказишнинг имкони бўлмаган бошқа** ҳолатларда **маъмурий иш юритувнинг алоҳида тартиби** белгиланши, унда терговга қадар текширув ҳаракатлари тўхтатилган ҳолатларда **шахсни маъмурий жавобгарлик тортиш муддати ўтиши тўхтатилиш тартиби** белгиланиши мақсадга мувофиқ.

References:

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 08.12.1992 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси, 22.09.1994 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, 22.09.1994 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс, 22.09.1994 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сонли Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг 06.09.2017 йилдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-617-сон Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2898-сон Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти амарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 12.02.2021 йилда Ички ишлар вазирлигида ўтказилган Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши 8-сонли баёни.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.

17. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги мавжуд электрон ҳамкорлик доирасида профилактика инспекторларини суд жараёнларида масофадан туриб иштирокини таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан 2021 йил 11 февралдаги “Йўл харитаси”.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги “Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 645-сон қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури”.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 431-сон қарори.

20. Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг “Ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шакллантириш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тўғрисида”ги 2021 йил 29 сентябрдаги 11-60-21/59ққ-сонли қўшма қарори.

21. Qushboqov S., Yetmishboyev M. JAZONI IJRO ETISH MUASSASALARI ISHTIROKIDA TUZILADIGAN FUQAROLIK-HUQUQIY SHARTNOMALARNING MOHIYATI VA AHAMIYATI //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – T. 2. – №. 9. – С. 76-80.